

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан ЧИҚА ВОШЛАГАН. • № 57 (5. 948) • 1986 йил 10 март, душанба • Баҳоса 3 тийин.



## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Биз келажакка дадил қараймиз, чунки ўз вазифаларимизни ва уларни амалга ошириш йўлларини яхши кўриб турибмиз. Биз келажакка дадил қараймиз, чунки халқнинг қудратли мададига таянамиз. Биз келажакка дадил қараймиз, чунки социалистик Ватан манфаатларини кўзлаб, буюк идеалларни кўзлаб иш тутмоқдамиз, зотан коммунистлар партияси ўзини ана шу буюк идеалларга фидокорона хизмат қилишга бағишланган.

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сийёсий докладидан).

### Куч-қувват ва илҳом манбаи

КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш қондицияларини коммунистлар, Ўзбекистон пойтахтининг ҳамма меҳнаткашлари бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар. Коммунистлар Бутуниттифоқ анжуманининг материалларини ўрганиш миллион-миллион совет кишилари учун куч-қувват ва илҳом манбаи бўлиб қолди. Съезд қарорлари мамлакатимиз меҳнаткашларини ҳамма ишчимизни сифат жиҳатидан қайта қуриш учун актив ишлашга чорламоқда. Республикаимиз халқ ҳужалиги кўпгина тармоқларнинг меҳнаткашлари КПССнинг тинчликсеварлик йўлини астойдил маъқуллаб, партияимиз ишлаб чиқаришни интенсификация соҳасида қўйган вазифаларини ҳал этишга муносиб кўшишга азму қарор қилганликларини айтмоқдалар. Олга қараб интилимизга халақит бераётган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш учун курашмоқдалар. Съезд иши тўғрисида билдирилатган қўлдан кўп фикрлар бунинг ёрқин далилидир.

таъминлаб утилганидек, биринчи навбатда зарур бўладиган товарлар дўконда сароб бўлиши учун ишлаш ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Маҳсулотимиз бежирим, илҳом бўлиши учун илҳом нозоратини йўлга қўймоқдамиз. Бу нозоратнинг вазифаси нуқсонни конвейернинг ўзиде техника нозорати бўлимига етиб бормасдан аниқлашдан иборат. Бунинг учун эса бран маҳсулот тайёрлаётган ишчи қаттиқ назорат остида олинади. Боғлиқ рекламация муҳозама қилинаётганда ҳам шу йўлдан борилади. Бирлашмага етказилган зибёни айбдор кишилар ўз чўнтақларидан тўлабди. Энди вазифа шуки, бу йил келган биринчи рекламация охири бўлиб қолсин. Партияимиз ана шу йўлни ҳам кўрсатиб берди. Ҳар ким ўзинга ва ўртоқларига талабчан бўлиши, касб-маҳоратини ошириши, ҳужалик ҳисобини тақомиллаштириб бориши лозим.

#### У. МУҲАММАДХУЖАЕВ, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадари

— Мен ишлаётган цехда нефтчилар ва ер қазири разведчилари учун геофизика кабеллари етказиб берилади. Халқ ҳужалигини ёнлиги билан таъминлаш вазифасини ҳал этиш кўп жиҳатдан бизнинг иш натижаларимизга ҳам боғлиқдир. Биз КПСС XXVII съезди минбардорлигини, маҳсулот сифатини ошириш учун курашни кучайтириш, моддий ресурсларни тежаб-теграб сарфлаш ҳақидаги кўрсатмаларни катта масъулият ҳисси билан қабул қилдик. Мен бошчи бўлган бригада цехда биринчилар қатори ағона наряд билан ишлашга

ўтди. Бу коллективни жиқлаштирди. Интизомни мустаҳкамлади, маҳсулот сифатига ҳам ижобий таъсир ўтказди. Биз ускунани тақомиллаштирдик, ишлаб чиқариш чиркитларидан фойдаланишни ўрганиб олдик. Шу билан бирга ўн биринчи беш йиллик топиригини тўрт йилда адо этдик.

Съезд материалларини муҳозама қилар эканмиз, тўрт йўлдан бораётганлигимизга қаноат ҳосил қилдик, аммо зиммамизда турган вазифалар анча мураккаблашганини ҳам билди турибмиз. Цехда реконструкция бошланди, янги ускуналарда ишлашни ўзлаштирмоқдамиз. Бу ускуна лойиҳадаги қувват билан ишлашга тезроқ эришиш бизнинг биринчи галдаги бурчимиздир. Меҳнат коллективининг ҳар бир

#### А. ХОВАЙЛО, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номили Тошкент тиквуч ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадари

Йилда бригадамизда эсимиздан чиқиб кетай деган бир иш билан шугулланганга тўғри келди. Тошкент марказий универмагидан келган рекламацияни муҳозама қилдик. Анчадан бери бунақанги чиқоат хатлари келмаганди. Чеварларимиз қосимларни беҳишлов тикадикан бўлиб қолганимиз? Бунақал бўлмаса ҳам, лекин илҳом сифат соҳасида олган силкимаияпти. Харидорларнинг эса талаби ўсимда, улар манфаатини ҳимоя қилаётган савдо ходимлари ҳақ.

Ҳамжиҳатлик шартнома-си бўйича шеригимиз бўлган марказий универмаг коллективиде ишимиз юзасидан эътирозлар бўлмади, деб сўз берамиз. Тошкент бош универмагига ва «Ўзбекистон» савдо фирмаси бирлашмасига ҳам жўнатилган маҳсулотимиз сифатли бўлади. (ҒАТА).



Уч дугона — уч коммунист (чапдан-ўнга) — Мадина Турғунова, Гулбахор Йўлдошева ва Гулнора Шокаримова «Учки» ўқимачилик-галатерва ишлаб чиқариш бирлашмаси калава тайёрлаш цехининг илгор ўроччиларидир. Шу кунларда улар партияимиз XXVII съезди қарорларини амалга ошириш йўлида ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. М. Нуриддинов фотоси.

#### Ташаббус кўрсатиб

«Таштекстильмаш» заводи коллективи Владимир Багаев етакчилиги қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси номини ҳурмат билан тилга олади. Бунинг боиси коллектив ҳамма ташаббус кўрсатиб ишлашдадир. Бунга бир мисол келтирайлик. Бригада КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик муСОБАҒА БИРИНЧИЛАРДАН БУЛИБ КЎШИЛИБ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПИРИҒИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИШГА ЭРИШДИ. Агар корхонада 50 дан зиёд комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилаётганлиги ҳисобга олинмаган бўлса, муваффақиятнинг салмоғи дарҳол кўза ташланади. Ёшлар аралаш касбларини мукамил ўрганиб олишдан Улар бир-бирларининг вазифасини бемалол уқдлаб олдидилар. Айна пайтда ишчи уюмлари ва сифатли бажариш учун курашадилар. Фақат ўтган йилнинг ўзида коллектив 18 тонна ҳар хил металлни тежаб қолтишга муваффақ бўлди. Меҳнат бахт келтирди, деганларидек беллашуларда ҳамма олднинг сафда бориш бригадасига шухрат келтирди. У комсомол-ёшлар коллективлари орасида биринчи бўлиб «Коммунистик меҳнат бригадаси» шарафли номини олишга эришди.

КПСС XXVII съездининг биринчи квартал топиригини бажариш билан кутиб олган бу пешада бригада зарбдор суръатда ҳамон давом эттирмоқда. Техника, ускуна ва технологиядан самарали фойдаланиш тўғрисида сўзлашувчилари мунтазам 120-125 процентга бажаришмоқда. Умумий муваффақиятини таъминлашга бригаданинг Р. Юсуфов, А. Усмонов, Р. Самадов, Ф. Нажмиддинов сингари жонқуяр аъзолари муносиб ҳисса қўшишганди.

Корхонадаги Сергей Шербаков, Нодир Муштаевлар, Темур Зибутдинов етакчилиги қилаётган комсомол-ёшлар бригадалари ҳам ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияни жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхши-лашда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишганди.

#### Салмоқли ҳисса

«Минконд» заводида хотин-қизлар ишлаб чиқариш ривожлантириши ва маҳсулот сифатини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар фидокорликлари, илҳом сифатини билан ёндошларини тўғривайи юксак кўрсаткичларини қўлга киритиб, шухрат топишганди. 4-цехдаги Любовь Бойчук, 6-цехдаги Мастура Вотирова, 12-цехдаги пармаловчи Жён Ким, 15-цехдаги пресловчи Раиса Ҳикматоваларни ана шундай фидокор ишчилар сифига қўшиш мумкин.

12-цехдаги Ирина Кирпиченко мастерлик қилаётган участкани илгор участка деб аташди. Бунинг боиси участкада янги техника ва технологияни ўзлаштиришга катта аҳамият берилаётганлигидир. Узаро ҳамкорлик, жонқуярлик тўғривайи участка биринчи квартал топиригини барвақт бажаришга муваффақ бўлди. 6-цехнинг ишчиси Малика Назарова ҳам ана шундай маррани эгаллади. Ишлаб чиқариш илгорлари партия съезди ҳужжатларини синчилаб ўрганиб, улардаги қонда ва ҳуСОСАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ЖОББОЗЛИК КЎРСАТИБ ИШЛАШГАНДИ.

КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаёта таъбиқ этишга бағишланган бошқа материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тиквучлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешада ишчиларидан бири Ф. Полтаева барча совет кишилари қатори КПССнинг XXVII съездида қўйилган янги вазифалар асосида ишлашга, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга, иш унуми ва сифатини кун сайин ошириб боришга катта эътибор берапти. Фан-техника тараққийоти ютуқларини жорий этиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди, бу эса Флора Полтаева ва унинг кўплаб дўгоналари учун иш унумини янада оширишга ёрдам бермоқда. Партия XXVII съездида бу моҳир бичиқчи муносиб тўхфа тайёрлади. У икки беш йилликда мўлжалланган ҳажмдан ҳам кўпроқ иш бажариб, вақтдан ўзган ҳолда меҳнат қилмоқда. Салкам йигирма йилдан бунён бирлашмада фидокорона меҳнат қилиб келаятган бу илгор ишчини ҳақиқий замондошимиз, деб атасак эришди. Чунки у байроқдорларнинг олдинги сафида борапти. Бугина эмас, ўз меҳнат фаолияти давомида 30 га яқин ёш ишчига касб сирларини ўргатди. Мураббий ҳамма ҳамкасбларига ва ёшларга меҳрибондир. Агар бирон ишчининг мураккаб топириқларини бажаришда қийналатганини сезса, ундан ёрдамни аямайди. СУРАТДА: Ф. Полтаева. Т. Каримов фотоси.

### Топшириқ бажарилади

Мамлакатимизнинг Томенда областида бунёд этилаётган янги-янги ишоолар, корхоналар, уй-жой бинолари ва бошқа объектлар қурилишида шахримиз корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар қўл келганди. Шунинг учун ҳам у ердан олинаётган қатор маҳсулотларнинг қурилишда белгиланган муддатда тайёрлаб беришга алоҳида эътибор кўрсатишмоқда. СССР Темир йўллар министригининг Сергелдидаги темир-бетон конструкциялари заводи ўтган йили Томенда қурилатган автомобиль йўллари учун 20 минг 600 кубометр йўл ре-миз-бетон плиталарини тайёрлаб жўнатган эди. Корхона меҳнат ахли шу йилнинг дастлабки квартал учун 5780 кубометр бундай маҳсулот жўнатиш учун буюртма олди. Мамлакатимиз коммунистларининг катта аҳжуманига муносиб совга ҳо-зирилаш мақсадида бу буюртманинг катта қис-ми бажарилиди. Ҳар бир 1,68 кубометр бўлган плиталарнинг бир мингта яқини у ерга жўнатилди. Корхо-

### Республикамизда ҳамзахонлик кунлари

### Оташин инқилоб шоирига

Ўзбек совет адабиётининг сарчашмаларига назар ташлар эканмиз, ўзининг оташин асарлари, момақал-диросдек гулдуросли хитобномалари ва жўшқин даъватлари билан буюк инқилоб шоири Ҳамза Ҳакимзода Нибзийнинг сиймоси намоён бўлади. Чиндан ҳам оташин шоир ўзининг бутун ижодий фаолиятини, ўткир истеъдодини ва беорон сармазмун ҳаётини Улуг Октябр социалистик революциясига бағишлади. Халқимизнинг озодлиги, эрик учун курашди, хотин-қизлару, катта-ю-кичкини илм олишга, маориф-маърифат зибсидан баҳраманд бўлишга, инсон бахт-саодати учун курашишга даъват этди. Шунинг учун ҳам халқимиз ҳар йили республикамизда ўтказилаётган аънавий ҳамзахонлик кунларида қалби домд уйғор шоирининг сиймоси хотирасини эслаб, унга ҳур-мат-эътиромини рамзий равишда ифодаляйди. Айна шу кунларда шахримиздаги олий ўқув юртида, илҳомий тадқиқот институтлари ва ўрта мактабларда шоирнинг ижодий ва революцион фаолиятига бағишланган илмий конференциялар, адабий кечалар, учрашувлар ва мушоиралар бўлиб ўтмоқда. Инқилоб шоирига бағишланган конференциялар ва мушоира кечалари Ҳ. Сулаймонов номидаги Ҳ. Сулаймонов институтида, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида, Ҳ. Олимжон номидаги адабиётчилар уйда ва А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида ҳам ўтказилмоқда. (Республикамизда ўтказилган ҳамзахонлик кунларига бағишланган бошқа материалларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

### УН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРНИ РЎХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ун биринчи чакриқ Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатликка номзодларни рўхатга олиш тўғрисида: Ҳ. Сулаймонов ва 35-Собир Раҳимов сайлов округлари бўйича: 1-Фурманов сайлов округи бўйича: Ризаев Эрнест Алиевич, Тошкент шаҳар Совети ик-


рония комитети раисининг биринчи ўринбосари, 1938 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси. 35-Собир Раҳимов сайлов округи бўйича: Усатов Дмитрий Александрович, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг мудир, 1937 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси. Округ сайлов комиссиялари. Кнатов Владимир Александрович — Ўзбекистон гражддан авиацияси бошқармаси авиаториядининг авиация тех ниги. Янбаев Сергей Александрович — «СССР 50 йиллиги номили Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг участка бошлиғи. СССР Олий Совети Президиумининг Раяси А. ГРОМИКО. СССР Олий Совети Президиумининг Сиретари Т. МЕНТЕШАВИЛИ. Москва, Кремль. 1986 йил, 21 февраль.

## СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЕШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ МОСКВА ШАҲРИДАГИ XII ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УТҚАЗИШДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРНИ, КОМСОМОЛ ВА ЕШЛАР СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ГОЛИБЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари. «ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН Хусанова Малухат — М. Турғунова номили Ўзбекистон ССР «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблининг раққосаси, Тошкент шаҳри. Кнатов Владимир Александрович — Ўзбекистон гражддан авиацияси бошқармаси авиаториядининг авиация тех ниги. Янбаев Сергей Александрович — «СССР 50 йиллиги номили Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг участка бошлиғи. СССР Олий Совети Президиумининг Раяси А. ГРОМИКО. СССР Олий Совети Президиумининг Сиретари Т. МЕНТЕШАВИЛИ. Москва, Кремль. 1986 йил, 21 февраль.



Республикада ҳамзаҳонлик кунлари



# ИНҚИЛОБ КУЙЧИСИ

Шоир мактубларидан сатрлар

«Маълумки, ҳар бир элнинг донини сақлаган ўз адабиётдир. Шу адабиётни яшилди ва нафис кўрсатадиган ери саҳнадир. Яна шу адабиётни жон йўсинида тавасига ўрнаштиришдан, шубҳасиз мусиқавий қўшиқлар ва шу мусиқани ҳар ёнга жавлон этиб учун ҳар элнинг ўз дарди шоир, ўз оҳанги йўсинида қўшиқ чиқарувчиси композитордир...»

«Бугун инқилоб ташвиқотида Ўзбекистонимизда энг яхши таъбир берган нарсаси ҳам шу саҳна ва шу саҳнадаги дарди шеърлар билан муяллан ашулалар бўлди».

ХАМЗА.

**ХОРАЗМ МАОРИФ НАЗОРАТИНА ХУЖАЭЛИ ИНТЕРНАТ МУДИРИЯТИДАН**  
Келажакда идора ва хўжалик ишлари билан танишувлари баробарида ҳуқуқ ва маъсулият молиқ этилиб, талабалардан бир интернат мудир ва бир хўжалик мудирига мандат берсангиз. Мен ва хўжалик мудирини Ёлғиз муовин ва раҳбар ҳисобинда қолсак. Идора ва хўжалик ишларини чет қилишлар бажармай, балки турмуш билими нуқтаи назаридан талабалар ўзларини ўзидан айтиб боқинчи билсулар учун биринчи мартабу шу расмиятнинг ижросини бизим интернатда бўлуни сураб, Интернат мудирини Хамза НИЁЗИЙ. 1923 йил, 28 август.

## Қардошлар қадрлаганда Замондошлар хотирасида

● Хамза Хакимзода Ниёзий! Октябрнинг биринчи ота-шини куйчи ҳақида, дастлабки инқилобий драматург ва янги маданият бунёдкори ҳақидаги, ўзининг иконажон Ўзбекистонда Октябрнинг енгилмас байроғини баланд кўтарган замонамиз қаҳрамони ҳақидаги қиссани ана шу ёрқин сиймондан бошламоқ мумкин.

Николай ТИХОНОВ.

● Хамзанинги ижодий биографияси бугун совет адабиётини да энг қаҳрамонна биографиялардан бири, деб дадил айта оламиз.

Константин СИМОНОВ.

● Хамза Хакимзода умрининг охиригача меҳнаткаш халққа садоқат билан хизмат қилди, ленинизм йўлида маҳкам турди. Бу жиҳаддан ҳам у совет маданиятининг энг улғу кишиларидан биридир.

Собит МУҚОНОВ.

● Хамза Хакимзода туркман халқининг ҳам сеvimли фарзандидир.

Берди КЕРВОНОВ.

● Хамза Хакимзода Ўрта Осиё халқларининг сеvimли ёзувчиси. Унинг номи совет адабиётининг атоқли номандалари қаторидан муносиб ўрин олган.

Мирзо ТУРСУНЗОДА.

● Хамза Хакимзодадек мард ва матонатли курашчан адабни ештирган қардош Ўзбекистон халқига шон-шаърафлар бўлсин!

Меҳди ХУСАИН.

● Шоир, драматург Хамза адабиёт ва санъатда ажойиб ҳодиса. Хамза ўзи бир олам!

ОИБЕК.

● Хамза марксизм-ленинизм ёлларини, партиявийлик принципини ўзбек совет адабиётига биринчи бўлиб олиб кирди, ўзбек социалистик реализм адабиётига асос солди.

Комил ЯШИН.

● Хамза ўзбек совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет ёзувчиларининг биринчиларидан, қалдирғочларидан эди.

УИГУН.

● Хамза Хакимзода Ниёзий кўзи очилбдики, қулғи халқ кўксига бўлган, халқнинг дардига малҳам қилдириб ҳар ёнга бош урган эски ўзбек эътиборининг ҳалол қисмига мансуб киши эди.

● Хакимзода ни фақат улғу шонирга дейиш кифоя эмас. У—бастакор; у—драматург; у—муаллим; у—мураббий; у—режиссёр; у—публицист; у—редактор; у—жамоат арбоби; у—нотиқ; у—жангчи; у—масалнавис; у—театршунос.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

● Устоз Хамза оз ҳаёт кўрди, аммо революция иши учун элларда, дилларда, ўчмас хотира қолдирди.

Собир АБДУЛЛА.

● Хамза кўп вақт халқ орасида бўлиб, ўз шеърларини ўқиб берар, жамоатчилик фикрига қўлоқ солишни ўз бурчи деб биларди.

ҒАЙРАТИЙ.

● Хамза шундай совет ёзувчилари жумласиданки, унинг ижоди орқали меҳнаткаш халқ адабиётга марказий қаҳрамон бўлиб кирди. Ўзат СЎЛТОН.



## Хужжатлар ҳикоя қилади

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Х. С. Сулаймонов номидаги Кўлэмалар институти архивда Хамзанинги ҳаёти ва ижодий меросини ёритувчи ҳамда илмий аҳамиятга молик қимматли хужжатлар сақланмоқда. Бу ноб манбалар тасвифи Хамзанинги оммага мўлжалланган. Олти йилда иборат бўлган «Хамза Хакимзода Ниёзий архивининг каталог» муаллифлари—филология фанлари кандидати С. Хасанов, Т. Зуфаров ва С. Зуфаровлардир. Кўрсаткичларини Р. Шафаруддинова туган.

Маълумки, архив хужжатларининг асосий хизмати ўтмиш билан ҳозирги замонни боғлаш ва келажакка йўлланма беришдан иборатдир. Хамза архивда жами 2894 хужжат мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 3627 варақдан иборат. Бу хужжатлар: пьесалар, шеърлар, мақолалар, ноталар, шоирга раҳбар идоралар томонидан берилган хужжатлар, Хамзанинги турли идораларга, қавм-қариндошларига ёзган мактублари, қайдлари, хотира ва таассуротлардан иборат.

Айниқса, 2059 рақамда

сақланган «Хамзанинги мадания сотиб олгани учун берилган чек» хужжати диққатга сазовордир. Чек 12, 5x18 сантиметр ҳажмидаги қоғозга инглиз тилида чоп қилинган. Унда ёзилишича, Хамза 1913 йил 18 июнь кунини Хиндистоннинг Бомбей шаҳридаги 1859 йилда асос солинган «Саунди» корпорацияси, Лимингд мўзика муассасасига қарашли дўкондан 8 симила мадания сотиб олган. Варақ юқорисига яшил қалам билан 78 ва кизил қалам билан 33 рақамлари битилган. Хужжат бир оз уринган. Босма ва қўлёзма, 1913 йил 18 июнь. Лотин графикасида.

Шундай хужжатлардан бири тартиб рақами №326 билан сақланувчи «Хамзанинги мўзика асбоблари сўраб Хамидовга ёзган мактуб»дир. «Саломдан кейин Уртоқ Раҳим Хамидов, Мусиқаларни бир қатор келтирмакдлар, бир оздан заводга бермоқ керак эди. Шунинг учун (5—10) сўм ақча юборилсин демоқчибиз. Бугун соат 6 гача ҳозирлансак керак, кўздан кечирурлар, сўнгга ақчаси тўмонан берилур. Ақчани йўбориса, суммаси ёзилиб юборилсин».

Хамза Хакимзода, 19—27

Хужжат бир парча қоғозга қаламда ёзилган. Дастхат. Араб графикасидаги эски ўзбек ёзувида.

Бу каби хужжатлар Хамзанинги бастакорлиги, мўзика асбобларини моҳирлик билан ижро эта олганлиги, чолғу асбобларининг «тилини» биланлигидан далолат бериб туради. Шунингдек, 152 тартиб рақами билан сақланган «Хамзанинги ашулалар учун ёзган мўзика ноталари» (Ноталар қалин картон қоғозга ёзилган, кўйлама. Йили кўрсатилмаган, араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида). Ҳамда 234 рақамда сақланган «Хамзанинги консерватория учун чолғу асбоблари сотиб олиш мақсадида спектакль кўйишга рухсат сўраб» рус тилида ёзган мактуби ҳам юқоридеги фикринини мустақамлайди.

Тавсифдан яна шундай хужжатлар ўрин олганки, улар Хамзанинги адабий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий, ташкилотчи фаолиятлари ҳақида китобхоналарга бой маълумот бера олиши билан ибратлидир.



Бизнинг фотоархивимиздан

Хамза Хакимзода Ниёзий.

## Хамза Хакимзода Ниёзий

### Хотин-қизлар овози

Тор қафасда зерикдик, эзилиб ҳақсиз ётгани, Кўлни тортинг оталар, қизни молдек сотгани, Даф қил бу тилагингни, ишинг чаппа бўлади. Уйин эмас, хотин-қиз паранжисин отгани, Замон кўймас эр ишлаб, хотин кавшоб ётгани, Уйнашма замон билан, таъбинг хира бўлади. Шунча замон сенларга чўри бўлдиқ бойвачча, Энди бўлса керакмас дарчаси йўқ уйларча, Тугталмама соқолинг, салланг қафан бўлади. Бас, шунча йил қизгондиг бизга илм ила фанини, Ол, узинг йил бугундан бизга илган кафанини. Минг динг этар қўлоғинг, шолинг арпа бўлади.

1927 йил.

### Илму ахлоқу адаб

Ҳар ҳуснини пертавидур илму ахлоқу адаб, Бе адаб, бе илмлар эл қошида топлас ратаб. Кинки кўрмас мактабу устозу ташлиму адаб, Фарғи йўқ ҳайвондан оин бўлса бинг олий насаб... Одамит меваси, инсоният боғи аро, Бо адаблар бийд илгилг бўлғуси охир хатаб. Давлатинг болига қўнган бирла йўқдир эътибор, Нафс учундир ул тавозе қилма оин мухтасаб... Ҳосил эт хулқу адаб, бўлғил тавозеда Ниҳон, То этарсан хислатидан ҳар камолга йўқ ажаб.

1914 йил.

### Озод хотин-қизлар қўшиғи

Эй суюкли хотин-қизлар кел ўртоқлашамиз, Биз ҳам озод ўлкамизда эри билан ўйнашамиз. Утга ёқиб чиммату чачон фалокат расминни Янгидан чиқдик ёруғ дунёга, инсонлашамиз. Розилиз Шўродан, озод этди қўлқилдан бизи, Шодлиқдан рақс этиб, ўйноқлашиб, сакрашамиз. Хурмиз-озодимиз, парвоз этибон эри билан, Бог-бўстон ичра булбулдек бу дам сайрашамиз. Мутриба гулёр машқи бирла саз эт таибуринг Биз табиат баъзида жовланлашиб яллагашамиз. Шу гулгистонларда райҳонимиз, сумаибар, гунчамиз Очлиб олам думоғига букун жойлашамиз... Балли Шўроларга мундоғ бизга тақдим этди эри, Ижтимоият сари ҳам қадам ташлашамиз... Яъни бизларга ҳақорат бирла боққан кимсани Кўйдириб чандон ҳасаднинг ўтида қийнашамиз. Кел-кел, эй, озодлик боғини савсар, гулларни, Илму-фан гулзоридан гулгун ёниб яшнашамиз. Улкага ижод этиб ҳар хил санойи уйлари, Севиниб ҳар бир тараққий йўлида яйрашамиз. Ила йўлида касб этиб фану хунарнинг доинини Санъат — изҳор аялашиб ҳикмат йўли кўзлашамиз. Оч кўзинг оламга боқ, инсонлигинг изҳор қил, Бу тараққий давридир, биз ҳам тамаддуулашамиз.

## Шоир музейида

Рус табиатининг энг моҳир куйчиларидан бири шоир Сергей Есенин музейи рус поэзияси ихлосмандларининг сеvimли масканига айланган. Бу ерда қизилқарни тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Шаҳримизга меҳмон бўлиб келган Мурманск шаҳридаги ўрта мактаб қозилдаги Есенин музейи раҳбари, шоир асарларининг фаол тарбиотчиси В. Е. Кузнецова Тошкент музейининг меҳмони бўлди. У бу ерда ўзбек китобхоналари даврасида шоир ҳаёти ва фаолиятининг ўрганилмаган қирралари ҳақида гапириб берди. Меҳмон музейга шоирнинг 1948 йилда нашр қилинган сайлама асарларини совға этиб топширди.

Музей ҳозирда Л. Толстой туғилган 20-йилда жойлашган. Чунки шоир Ўрта Осиё бўйлаб қилган сафари таассуротлари асосида шу уйда ижод қилиб шеърлар ёзган. Бу шеърини масканин ташкил этишда шоир Эркин Воҳидов, олимлар Ш. Тартаиновский, С. И. Зинин, журналист В. Николов, санъатшунос А. В. Маркович иштирок этиб берганлар. Ҳар йили беш мингдан ортиқ киши келиб қўрағонда музейда «Гузаллик оламиде» китобсевақлар клуби ишлаб турибди.

Д. УМАРОВА.



Кўшиқ, мусиқа, рақс. Булар дом инсонга ҳамроҳ, дом инсонга ором беради. Раққосаларнинг хиромони оққушларнинг нозик хатти-ҳаракатларини, ниҳолларнинг шабодасеҳрли тебраниларини жонлантиради. М. Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблининг раққосалари дилларини хушнуд этмоқдалар.

СУРАТДА: «Баҳор» ансамблининг раққосалари.

С. Маҳмадов фотоси.

## Москвада—премьера

«Ўзбекфильм» киностудиясида тайёрланган «Келин тушириш» янги фильмнинг премьераси Москвадаги Кино уйида бўлиб ўтди. Бу картина тоғли кишлоқлардан бирида 20—30-йилларда бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида ҳикоя қилади.

Бадий лентанинги режиссёр-постановкачиси Учкули Назаров (у Я. Филиппов билан ҳамкорликда картина сценарийини ёзган) тарихий-революцион мавзуга биринчи марта мурожаат этаётгани йўқ. Томошабинлар бу санъаткорни «Оловли қирғоқ» ва «Кўзон воқеаси» фильмлари орқали яхши билшди.

Янги фильмнинг бош ролларида ёш актёрлардан Фотима Фарҳодий (Чўлпон) ва Рустам Ҳусанов (Жўрабек), қўнган ролларда эса Ж. Хамроев, И. Иванов, Н. Мансуров ва бошқалар қатнашганлар.

## Тараддуд

Шу кунларда «Ўзбекфильм» киностудиясида иш қилгани. Режиссёрлар ҳам, редакторлар ҳам утга янги фильмни суратла олиш учун тараддуд қўришяпти. Булардан бири «Ҳеч кимга бермайман» деб номланади. Бу картина таниқли режиссёр Мелис Абзалов бошчилигида яратилди. Фильм сценарийини Рихсийой Муҳаммаджонов билан Владимир Соколовлар ҳамкорликда ёзинган. Тарихий мавзу «Чинор остидаги дуэль», «Келинлар қўзғолоғи» каби аjoyиб кинокомедияларини яратган режиссёр учун янгида йўналишидир.

Ёзувчи Пириқул Қодировнинг «Оллоқс камар» номли асари экранлаштирилди. Ёнбас Шермухамедов режиссёрлик қилди. Фильм сценарийини кинодраматург Дмитрий Булгаков қаламига мансуб.

Шунингдек, студияда режиссёр Дамир Салимов томонидан «Ҳаёт марғи» деб номланган янги картина яратилди. Фильм ўзбек халқининг содиқ фарзанди Усмон Юсуповнинг ҳаёти ва ижтимоий асари экранлаштирилди. Ёнбас Шермухамедов режиссёрлик қилди. Фильм сценарийини кинодраматург М. ИБРОҲИМОВА.

Янгиликлар • Воқеалар • Фактлар

## Хуқуқ билимлари—оммага

Тошкент шаҳар адвокатлар коллегиясининг ходимлари хуқуқ билимларини пропаганда қилиш ва тушунтириш ишларига эътиборни қўйишмоқда. Улар тез-тез корхона, муассаса, қурилиш ташкилотларида бўлиб, совет граждандарининг меҳнат ва дам олиш хуқуқи ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Жумладан, «Ташкент-хлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташобводстрой» трести, «Ташметрострой»да ана шундай суҳбатлар ўтказилди.

2. 40-хунара-техника билим юрларида ўқилган лекция ва савол-жавоб нечаларида ешларнинг хуқуқи бурчлари ва уларнинг жамият олдидеги вазифалари тушунтириб берилди.

Қонун-қондаларни пропаганда қилишда адвокатлардан А. Черняк, Н. Нарсиддинов, М. Чашкова, М. Аъзамова, А. Исроқовлар алоҳида жонкуярлик кўрсатишмоқда.

Адвокатлар коллегиясининг ходимлари, меҳнат коллективлари, маҳалла ва турар жой мажлислирида ўтказилган суҳбатлар чоғида меҳнат қонучилиги, КПСС XXVII съезди материалларининг моҳиятини тушунтириб беришга эътибор беришмоқда. Лекция ва суҳбатлар меҳнаткашлар қонун талабларини аниқ англаб олишларига ёрдам берапти.

Қ. МУҲАММАДЖОНОВ.

## Янги кўргазма

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида янги кўргазма очилди. Бу кўргазма Ўзбекистон меҳнаткашларининг меҳнат совғалари ҳақида ҳикоя қилади.

Республикадаги 1662 йиллик саноат корхонасини ва халқ хўжалигининг юздан ортиқ тармоғи тўла қувват билан ишламоқда. Электрон-техника заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ташкентабель» биришмаси ва бошқа корхоналар коллективларининг меҳнат ютуқлари диққатга сазовор.

Кўргазмада республика меҳнаткашларининг XI беш йилликдаги муваффақиятлари кенг ас этган. «Ўзбекшахтстрой» бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган кўрғачи Д. А. Засулиц бошчилигидаги хўжалик хисобидан ишт терувчилар бригадаси коллективи новаторчасига ишламоқда. Бригада бир беш йилликда инки беш йиллик нормасини бажариш мажбуриятини олган. Ташаббускор бригада бошлиғи халқ эътиборини қозонди.

Кўпгина олимларнинг республика ҳамда Бутуниттифоқ Давлат мукофотиға сазовор бўлишлари партия ва ҳукуматимизнинг фан ва маданият ходимларига доимий ғам-хурлигининг ёрқин ифодасидир. Ўзбекистон олимлари олиб бораётган илмий ишлар натижаларининг Бутуниттифоқ ҳамда халқаро миқёсда эътироф қилиниши республика олимларининг улкан ютуқларидан нишондир.

Ўтган беш йиллик республика маданий ҳаётида янгиликларга бой бўлди. Жумладан, Ойбек тўла асарларининг 20 йиллигини чоп этиш ниҳоясига етказилди. Эндиликда буюк адиб ижодининг барча томонлари қўсонли қитобхоналар оmmasининг маънавий мулкига айланди. Бунинг учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг бир гуруҳ олимлари Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотиға сазовор бўлишди.

Кўргазмада фан ва маданият ютуқларини кўрсатувчи алоҳида бўлимлар бор. Шунингдек, янгича урф-одатларни қарор топтириш ва уни халқ турмушига синдиришни кўзда тутувчи алоҳида стендлар ҳам кўргазма мухлисларида яхши таассурот қолдирмоқда.

## Фестиваль фильми учун

Шу йилнинг 20—30 май кунлари Ўзбекистон пойтахтида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг «Тинчлик, социал тараққий ва халқлар озодлиги учун» шiori остидаги IX Халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Шаҳримиздаги барча ташкилотлар ана шу улкан санъат, дўстлик байрамига муносиб тайёргарлик кўрмоқдалар.

Тошкентлик рассомларнинг ижодий устахоналарида шахримиз майдонларида ўрганиладиган катта манзарали паннолар яратилмоқда. китоб графикаси усталари фестивал нишонлари, программалар, реклама, ахборот нашрларини ҳозирлаш устида иш олиб бормоқдалар, совғаларини эскизлари ишлаб чиқилмоқда. Халқимиз керамикан санъати, мистарлик, каштачилик усталари фестивал рамзи ас этирилмаган буюмларни, манзарали амалий санъат асарларини ҳам тайёрламоқдалар. Бу махсулотларнинг барчаси фестивал кунларида шахримиз магазинларида савдога чиқарилади.

Кўп йиллик анъанага кўра фестивалда жюри ва расмий мукофотлар бўлмайди. Энг яхши картиналарга ижодат ва ижодий ташкилотларнинг совринлари топширилади. Республика китобсевақлар жамияти правленчесин соврин сифатида Диплом ва ўзбек классик адабиётининг буюк шоири Алишер Навоийнинг «Хамса» асаридан парчалар тасвирланган чинни ваза тайёрлади.



Шаҳримиз кинотеатрларида «Ўзбекфильм» студиясида суратга олинган қизилқарни бадий фильмлар томошабинларни хурсанд қилмоқда.

СУРАТДА: «Негай» кинофильмидан бир лавҳа.

Н. Касьянов фотоси.

## «Нодир Девонбеги» очилди

Самарқандда яна бир туристик маршрут иш бошлади. Нодир девонбеги мадрасаси таъмир этилгандан сўнг дарбозасини очди. Уни 1630—1635 йилларда меъмор Дўстмуҳаммад қурганди.

Кўчиб кетган қошиқлар, мармар ёзувлар тиклақди, томи бут қилинди, ўймакор ёточ ошлар тайёрланди.

Энди ровондан ўтсангиз, гўмбазли айвонлари бўлган норси ҳовлига кирасиз. Пешайвон ортидаги, ҳужраларда бир вақтлар муллавақчалар ўқиган ва яшаган. Бу нишот Регистон ансамблига кирувчи бошқа бир Шердор мадрасасининг кичрайтирилган нуҳасига ўхшайди. Ҳатто, ровондаги шерлар тасвири ҳам ўхшаб кетади.

ТЕАТР

Имкониятни бой беришди

Учрашувдан сўнг интервью

Футбол бўйича халқаро ўсмirlар турнирининг навбатдаги учрашувини ўзбекистон терма командаси ўзбекистон ССР беш йиллиги номидаги СССР стадионидан Венгрия терма командаси билан ўтказди...

Учрашувдан сўнг интервью. Элемир ПИШКИ, Венгрия терма командасининг катта тренера...

Учрашувдан сўнг интервью. Элемир ПИШКИ, Венгрия терма командасининг катта тренера...

Учрашувдан сўнг интервью. Элемир ПИШКИ, Венгрия терма командасининг катта тренера...

Учрашувдан сўнг интервью. Элемир ПИШКИ, Венгрия терма командасининг катта тренера...

Учрашувдан сўнг интервью. Элемир ПИШКИ, Венгрия терма командасининг катта тренера...

Учрашувдан сўнг интервью. Элемир ПИШКИ, Венгрия терма командасининг катта тренера...

Учрашувдан сўнг интервью. Элемир ПИШКИ, Венгрия терма командасининг катта тренера...

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР 10-16 МАРТ

ДУШАНБА, 10. III

9.00 «ВРЕМЯ». 9.50 Футбол шарҳи. 10.20 Шаҳарлар ҳақида телевизион ҳужжатли фильмлар: 10.50 Болалар учун фильм...

16.00 Ленин комсомол мукофоти лауреатлигига сазовор бўлган бадий коллективларнинг чиқиши...

18.50 «Жадаллаштириш». «Смена» дан кейинги судба. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Футбол шарҳи...

19.45 «Халқаро панорама». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!»...

8.20 «Ватанимни шерофайман». 8.30 «АХБОРОТ». 8.30 Янгиликлар...

23.35 Кўрсатувлар программаси. 9.00 — 17.10 МТ II

18.15 Экранда ўтмиш йиллар ленталари. «Унчулар». Бадий фильм...

10 МАРТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «ЕВВОИИ ХМЕЛЬ» — Қозқозғистон (жуфт соатларда)...

ЧОРШАНБА, 12. III

9.00 «ВРЕМЯ». 9.45 Мультипликацион фильмлар: 10.15 «Саватчилар клуби»...

15.20 «Кўшлов уфқлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар...

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан»...

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!»...

18.15 «Кавказ». «Мис тоғ бекаси». Мультипликация...

9.00 — 16.10 МТ II

17.00 «Жой жойига». Телефильм. 17.30 Адабиёт. М. Шайхзода ижоди...

11 МАРТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «ЕВВОИИ ХМЕЛЬ» — Қозқозғистон (жуфт соатларда)...

ЖУМА, 14. III

9.00 «ВРЕМЯ». 9.45 СССР халқ россоми В. Фаворский. 10.25 «Нон — менинг тақдирим»...

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Саксоничи йиллар коммунистлари»...

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Сўфья Ковалевская»...

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!»...

18.10 «Эшлик» студияси кўрсатади «Сенинг замонадошим»...

9.00 — 16.15 МТ II

17.00 «Жой жойига». Телефильм. 17.30 Адабиёт. М. Шайхзода ижоди...

12 МАРТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «ЕВВОИИ ХМЕЛЬ» — Қозқозғистон (жуфт соатларда)...

ЯКШАНБА, 16. III

9.00 «ВРЕМЯ». 9.45 Ритмик гимнастика. 10.15 «Инония». Киножурнал...

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Саватчилар клуби»...

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Халқаро панорама»...

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!»...

18.10 «Эшлик» студияси кўрсатади «Сенинг замонадошим»...

9.00 — 16.15 МТ II

17.00 «Жой жойига». Телефильм. 17.30 Адабиёт. М. Шайхзода ижоди...

13 МАРТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «ЕВВОИИ ХМЕЛЬ» — Қозқозғистон (жуфт соатларда)...

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ (ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ) — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов. РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.